



Ислом Нури

Имом Бухорий Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар соллаллоху алаҳи ва саллам: «Ким кўрмаган тушини кўрдим деса, (қиймат куни) унга иккита арпа донасини бири-бирига боғлаш юклатилади, ҳеч қачон буни қилолмайди», дедилар.

(Яъни: кўлидан келмайдиган ишни юклатиш ҳам азобнинг бир тури.)

Шарҳ:

Тушнинг ўзига хос хислатлари бор. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам саҳобалардан тушлари ҳақида сўрар ва уларнинг таъбирини айтиб берар эдилар. Содиқ-яхши тушлар Аллоҳдан, ёмон тушлар эса шайтондан бўлади. Ёмон туш кўрган одам тушини бошқаларга айтмай, чап томонига уч марта туфлаб, Аллоҳдан тушининг ёмонлигидан паноҳ сўраса, тушида кўрган ёмонлик таъсир қилмайди. Инсон кўрмаган тушини кўрдим дейишдан эҳтиёт бўлмоғи керак, чунки бу билан Аллоҳга бўҳтон қилган бўлиб, охиратда қаттиқ жазоланади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Содиқ-яхши туш пайғамбарликдан бир бўлак ва хушхабар берувчидир.
2. Содиқ-яхши туш Аллоҳдан, ёмон-дахшатли тушлар шайтондан.
3. Ёлғондан туш кўрдим деб айтишнинг қаттиқ азоби бор.